

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 66-ҳадис

66 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ((عُودُوا الْمَرِيضَ، وَأَطْعِمُوا الْجَائِعَ، وَفَكُّوا الْعَانِيَّ)). رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

((العاني)): الأسير.

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Касални бориб кўринг, очни таомлантинг ва жафокашни яъни, асирниқўйиб юборинг»**, деб айтдилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Мусулмон киши бошқа биродарларининг ҳолидан доимо огоҳ бўлиб туради. Агар беморлари бўлса, уларни зиёрат қилади, мушкулотга йўлиқса, оғирини енгиллаштиради, уларнинг ҳаққига дуо қилади. Қурби етса, кўнгил кўтарадиган ҳадя, эҳсон улашади. Ундан ташқари муҳтож, камбағал кўшилари бўлса, ҳолидан хабардор бўлиб туради.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Набий с.а.в. ҳоҳ мусулмон, ҳоҳ ғайримуслим бўлсин, бемор кишини зиёрат қилишга буюрганлар.
2. Беморни зиёрат қилинганида, уларни тез фурсатларда шифо топишини сўраб: "Лаа ба`са тоҳуруун иншааллоҳ" ("ҳечқиси йўқ, иншааллоҳ гуноҳлардан покланишдир"), деб айтиш лозим.
3. Беморни зиёрат қилиш қисқа бўлиши лозим. Токи хаста инсонга ором, дам керак.
4. Агар бемор тик туриб намоз ўқишга қурби етмаса, унга ўтириб ўқиши шароит яратиш лозим.
5. Мусулмон киши ночор, муҳтож ва камбағал одамларни топиб, уларга

таом улашади.

6. Муслмонлар асирга тушиб қолган муслмон биродари бўлса, ватани ва аҳлига қайтишида кўмаклашади

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI